Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 28 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (13.151)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги "Кўргазма савдо маркази"да IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди.





ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари О.Парпиев, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Н.Ҳусанов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ривожлантирилаётгани, илмий изланишлар ва инновацион фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, инновацион лойиҳа ва ишланмаларни ҳаётга жорий этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ярмаркада Тошкент шаҳри ва вилояти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, қатор олий ўқув юртлари олимларининг турли лойиҳалари намойиш этилди. Хусусан, ернинг шўрланиш даражасини камайтириш ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган ишланмалар, кон-металлургия саноати учун электр тежамкор ускуналар, маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги товарлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– Ярмаркада университетимиз олимлари ва талабалари томонидан яратилган йигирмадан ортиқ инновацион лойиҳа ва ишланма билан қатнашмоқдамиз, – дейди Тошкент давлат аграр университети доценти Нуриддин Фахриддинов. – Бу галги кўргазмада янги яратилган лимон навларимиз барчанинг эътиборини тортди. Оддий усулда лимон кўчати кўпайтирилганда у беш йилда ҳақиқий ҳосилга киради. Янги технология асосида етиштирилган лимон кўчатимиз тўрт йилда ҳосил беради. Меваларининг биттаси 1-2 килограмм бўлади. Бундан ташқари, жуда ҳосилдор. Одатда бир гектар лимонзордан ўртача 40-45 тонна ҳосил олинса, биз яратган лимон гектарига 70-75 тонна ҳосил бериши мумкин. Айни пайтда соғлиқни сақлаш корхоналари билан шартномалар имзоладик.

Иштирокчилар томонидан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари ҳамда илм-фан соҳасидаги 405 га яқин инновацион технология ва ишланма намойиш этилди. Шунингдек, иштирокчилар бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича тажриба алмашиш, илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда инновацион лойиҳаларга талабгорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконига эга бўлди.

Кўргазма доирасида ёш олимлар, илмий изланувчилар, магистр ва иқтидорли талабаларнинг илмий семинари ва давра суҳбати ўтказилди. Янги техника ва технологиялар, илмий ишланма ва ғоялар танлаб олиниб, уларни халқ хўжалигининг турли тармоқларига татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида "Ўзбекистон халқига тинчлик керак, омонлик керак!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ўқитувчилар, театр актёрлари, талабалар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўтганлар хотирасини ёд этиш, бугун орамизда бўлиб эл-юртимизга файз қўшаётган фахрийларни қадрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ёши улуғларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодасидир.

Тадбирда юрт тинчлиги ва осойишталиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатган, катта ҳаёт мактабини ўтаган бобою бувиларимизни шарафлаш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиётгани эътироф этилди. Бу 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида таълим муассасалари, маҳаллалар, ташкилотларда бўлиб ўтаётган маънавий-маърифий учрашувларда янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Учрашувда меҳнат фахрийлари ва актёрлар тинч-осойишта ҳаётнинг қадри, фаровон турмушнинг ҳикмати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат муҳити хусусида ёшларга сўзлаб берди. Йигит-қизлар кексаларимизнинг бой ҳаётий тажрибалари, панду насиҳатларидан баҳраманд бўлди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

Пойтахтимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга бағишланган семинар ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Д.Аюпов, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳакамлик суди раиси А.Муҳаммедов ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга катта эътибор қаратилиб, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида соҳа янада ривожланаётганлигини таъкидлади.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Семинарда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватловчи жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилди.

– Жорий йилнинг биринчи чорагида Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга 296 та даъво аризаси тақдим этилди, – дейди Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси С.Абдураҳмонов. – Соҳага оид қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида 173 семинар ва учрашув ўтказилди.

Тадбирда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг ҳуқуқий кафолати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бу борадаги фаолиятига бағишланган маърузалар тингланди.

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР — БОЗОР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда етиштириладиган мева-сабзавотлар саломатлик учун фойдали микроэлементлар, озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги туфайли ноёбдир.

Пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасида мақбул қишлоқ хўжалик амалиётини жадаллаштириш ва органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун институционал имкониятларни ошириш" лойиҳаси доирасида ўтказилган тренингда шулар ҳақида сўз юритилди.

– Халқимизнинг деҳқончилик ва боғдорчилик анъаналари биологик тоза маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга асосланган, – дейди Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази директори Анвар Жуманов. – Минерал ўғитлар, пестицидлар ва шу каби воситаларни қўлламасдан, экологик соф ва табиий мазали мева-сабзавотлар етиштирилмоқда. Лойиҳамиз доирасида юқори қийматли маҳсулотларимиз учун янги бозорлар кашф этилиб, барқарор ҳамкорлик ўрнатилади.

Полиз экинлари, мева-сабзавотчилик соҳасида эришилаётган ютуқлар хорижий давлатлар олим ва мутахассисларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда яратилган кўплаб янги навлар Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида ҳам районлаштирилаётгани бунинг далилидир.

– Озиқ-овқат экинлари майдони кенгайтирилаётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш саноати жадал ривожланаётгани эътиборга сазовор, – дейди БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти вакили Ҳафиз Мўминжонов. – Бу нафақат Ўзбекистон, балки бошқа мамлакатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Йўлга қўйилган ҳамкорлик фермерларнинг янада мўл ва экологик тоза маҳсулот етиштириши орқали экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда ҳамкорликдаги илмий изланишлар ва ўзаро тажриба алмашишни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

(ЎзА)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловининг Олмалиқ шаҳар босқичи ўтказилди.

● Андижонда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги механизмини татбиқ этишнинг амалий жиҳатларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

● Сирдарёда интернетдан фойдаланиш маданияти ва ахборот хавфсизлиги масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда ахборот хавфсизлиги, интернетдан фойдаланиш маданиятига доир мавзуларда маърузалар тингланди.

● Нукусда "Кучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз" лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● АҚШ ва Жанубий Корея космосдан тинчлик йўлида фойдаланиш юзасидан битим имзоладилар.

● Пекинда йирик халқаро "Auto China -2016 автокўргазмаси очилди. 220 минг метр квадрат майдонни эгаллаган кўргазмада дунёнинг 14 та мамлакати автоконцернлари ўзининг энг сўнгги русумдаги автомобилларини намойиш этмоқда. 4 майгача давом этадиган кўргазмада 112 та халқаро янги моделлар, янги қувват манбаида ҳаракатланадиган 147 та автомашина билан танишиш мумкин.

● Британия парламентининг дунёга Биг-бен номи билан машҳур бўлган, 1858 йилда қурилган Елизавета минораси соатларида таъмирлаш ишлари амалга оширилиши муносабати билан уларнинг бир неча ой давомида ишламаслиги маълум қилинди.

● Германиянинг Майнс университети олимлари ягона атом ёки иондан иборат иссиқлик двигателини яратишди. Бунда электр қопқонга жойлаштирилган ион иссиқлик энергиясини гармоник тебранишларга айлантириши мумкин. Одатий иссиқлик двигатели камида 1024 атом ёки бошқа зарраларни ўз ичига олади. Бироқ замонавий технологиялар қурилмани митти ўлчамларгача келтириш имконини беради.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан



Сарвар Ўрмонов олган сурат

БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида мамлакатимиз ва халқаро миқёсда турли соҳаларда муваффақиятларга эришган иқтидорли ёшлар фаолиятига бағишлаб ташкил этилган фотокўргазма шундай номланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида уюштирилган кўргазмада фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида юксак натижаларга эришган истеъдодли талабалар, санъат ва маданият намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ҳордиқ чиқариши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган шароит юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларимизга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг иқтидор ва истеъдодини юзага чиқаришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда қўлга киритилган ютуқлар, ёшларнинг турли соҳалар бўйича республика ва халқаро миқёсда эришган муваффақиятларини ижодий-полиграфик инновациялар, аудио-визуал санъат имкониятларидан самарали фойдаланиб, кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган мазкур кўргазмадан ўрин олган экспозицияларда бу ўз ифодасини топган.

"Ёшлар ва маданият" номли экспозицияда юртимизда мусиқа ва санъат таълимига қаратилаётган юксак эътибор, ўғил-қизларнинг халқаро танлов ҳамда фестивалларидаги ғалабалари, ютуқлари акс этган. "Ўзбекистонга хизмат қиламан!" экспозициясида замонавий ва профессионал мутахассислар билан таъминланган миллий армиямиз, у ерда яратилган қулай шарт-шароит, ҳарбий хизматчиларга берилаётган кенг имкониятлар тасвирланган.

Фотокўргазмада "Ёшлар ҳаёти – ёшлар нигоҳида" ва "Ёшлар ва спорт" экспозициялари кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

– Ёш фотоижодкорларнинг ўз тенгдошлари ҳаёти, ижоди ва ютуқлари, ёшларга яратилган шароитлар ўз ифодасини топган фотосуратлари менда катта таассурот уйғотди, – дейди ЎзА мухбирига Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилбар Холжигитова. – Уларни диққат билан кузатиб, шундай азиз юрт фарзанди эканимдан янада фахрланиб кетдим.

Кўргазма доирасида "Камолот"да меҳмонда" лойиҳаси, "Ватанимга дил изҳори" номли акция, ижодкор ёшларнинг тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси, "Ўзбекистон музейларининг 100 та энг сара асари", Темурийлар тарихи давлат музейининг 3D саёҳат тўпламларининг тақдимоти ҳамда Ўзбекистон Ёшлар симфоник оркестрининг концерт дастури намойиш этилди.

Бекзод ҲИДОЯТОВ

Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорлари билан белгилаб берилган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишида солиқ ва мажбурий тўловлар билан тўланадиган солиқларнинг ундирилиши муҳим аҳамият касб этади.

СОЛИҚЛАРНИ ВАҚТИДА ТЎЛАШ — ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Конституциямизнинг 11-боб, 51-моддасида фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарзларини қисқартириш борасида солиқ қарздорлиги мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан мажбурий ундирув чоралари кўрилгунга қадар, қарздорларга ортиқча суд харажатларини юклашнинг олдини олиш мақсадида, биринчи навбатда қарздорликни тўлаб бериш тўғрисида огоҳлантириш талабномалари тақдим этилади. Огоҳлантириш муддатларида солиқ қарзларини тўлаб бермаган қарздорларга нисбатан мажбурий ундириш чоралари қўлланилади.

Қарздорлик ўз вақтида тўланмаганлиги натижасида, Солиқ кодексининг 120-моддасида белгиланган ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз устама (пеня) ҳисобланиши белгилаб қўйилган ҳамда қарздорларнинг мол-мулклари ҳисобидан қарздорлик ундирилиши бўйича Суд ижрочилари томонидан 2% ижро йиғими ҳамда ўз вақтида (5 кун муддатда) тўланмаса энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Ўз навбатида қарздорликни тўлаш билан бир қаторда қўшимча харажатлар ҳам пайдо бўлади.

Ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш, бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда доимий равишда тадбирлар ўтказиб келинади.

Жумладан, бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалардан солиқ қарзи мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг масъулиятини янада ошириш орқали солиқ қарздорлигини қисқартириш мақсадида, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан тегишли идора вакиллари иштирокида жорий йил барча туманларда муҳокама йиғилишлари ўтказилиб, тафсилотлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилди. Бундай йиғилишларни келгусида ҳам мунтазам равишда ўтказиб борилиши режалаштирилмоқда.

Алоҳида қайд этиш жоизки, тадбир ташкилотчилари томонидан муҳокама йиғилишларида солиқ қарзига эга хўжалик юритувчи субъектларнинг қатнашаётганлигидан фойдаланиб, йиғилиш иштирокчиларига 2016 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда солиқ соҳасига оид айрим қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида батафсил маълумот ва тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Унга кўра, Солиқ кодекси 61-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида солиқ қарзини узмаган юридик шахслар солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларини ёхуд тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу талаблар солиқ қарзи мавжуд хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари томонидан белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг тегишли моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилишига асос бўлиши белгилаб қўйилган.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида солиқ қарзини ўзиш тўғрисидаги тақдим этилган огоҳлантириш талабномалари орқали 30 кунлик огоҳлантириш муддатида қарздорлардан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан икки баробар кўп маблағ ундирилишига эришилди.

Солиқ қарзини мажбурий ундириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда ва бунинг натижасида солиқ қарзи миқдорининг олдинги даврларга нисбатан сезиларли даражада қисқартирилишига эришилмоқда.

Ю.НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАЪЗИ ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР НОМЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 41-сон, 448-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сонли ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 41-42-сон, 483-модда) қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 24 октябрдаги 845-сонли қарорига мувофиқ, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

2. Ном берилган ва номлари ўзгарган Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимликлари, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ.Расулов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Ички ишлар бош бошқармаси (Б.Қурбонов), ҳокимлик тизимидаги бошқарма, ташкилот ва муассасалар, Тошкент шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

Туман ҳудудидаги баъзи жойларга янги номлар берилиши ва номлар ўзгартирилиши муносабати билан тегишли ишларни амалга ошириш юзасидан 15 кунлик муддатда белгиланган тартибда зарур чоралар кўрилсин ҳамда ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Р.Усманов

2016 йил 21 апрель

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Реклама ўрнида

ASIA ALLIANCE BANK

Шу йилнинг 13-14 апрелида пойтахтимизда анъанавий Банк хизматлари, технологиялари ва ускуналари — "BankExpo — 2016" миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон банк хизматлари бозорида 2009 йилдан буён фаолият кўрсатаётган "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ унинг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Ушбу қисқа давр ичида банк таклиф қилаётган инвестиция-банк хизматлари турларини, филиаллари, мини-банклар ва савдо офисларини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширди.



"ASIA ALLIANCE BANK" — ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТДА

Сўнгги йиллар давомида турли маълумотлар узатиш тармоқлари, ахборот Интернет-ресурсларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш кенг ривожланмоқда, электрон ҳужжат алмашинуви кенг жорий қилинмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг оммалашуви, ҳукумат қарорларининг ҳаётга фаол татбиқ қилиниши одамларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартирмоқда, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қўшимча имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистонда АКТ жамият ҳаётининг барча жабҳаларига мустаҳкам кириб бормоқда. Электрон тижорат – бутун дунёда муваффақиятли ривожланиб бораётган замонавий бозор турларидан бири ҳисобланади. Товарлар ва хизматларнинг электрон тизимлар орқали сотиш ва харид қилиш, маҳсулотларни он-лайн режимда сотиш ёки реклама қилиш ахборот технологияларига асосланган бизнеснинг моҳиятини ташкил этади.

Пул муомаласи ва чакана амалиётлар бошқармасининг бошлиғи Борис Мальцев "BankExpo-2016" кўргазмасидаги тақдимотида 2016-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси тўғрисида, хусусан, электрон тижорат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Банк фаолият кўрсатаётган йиллар давомида активларининг ҳажми бир триллион сўмдан ошиб кетди. Ўз навбатида, кредит портфелининг ҳажми 500 млрд. сўмдан ортди. Айни пайтда кредит маблағларининг катта қисми саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, транспорт ва туризм соҳаларида янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилишга йўналтирилди. Юридик шахслар ўртасида "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ нинг корхоналарининг фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил қилиш, янги иш жойларини яратиш ва ускуналарни харид қилиш учун кредитлаш бўйича хизматлардан фойдаланиш кенг оммалашган. Жумладан, 2016 йилнинг биринчи чорагида банк иқтисодиётнинг реал секторига 211 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратди, шундан 130 млрд. сўмга яқин кредитлар мамлакатимизнинг ҳудудий корхоналарига йўналтирилган.

Таъкидлаш зарурки, "BankExpo — 2016" кўргазмаси доирасида "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ вакиллари йилнинг энг яхши бизнес-лойиҳалари танлови ғолиби бўлган 12 нафар тадбиркорга имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар ажратди.

Хусусан, "Саноат ишлаб чиқаришининг энг яхши бизнес-лойиҳаси" номинациясида иккита компания – темирбетон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи "BARQAROR USTUN" МЧЖ ва Бухоро вилоятида турли тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқарувчи "CHORI PLAST" МЧЖ ғолиб деб топилди. Таъкидлаш керакки, "Тадбиркор аёлларнинг энг яхши бизнес-лойиҳаси" номинациясида корхоналар раҳбарлари бўлган уч нафар хотин-қизлар ғолиб бўлишди. Хусусан, булар – трикотаж ва тикув буюмлари ишлаб чиқарувчи "DI IXLOS" МЧЖ ҳамда Қарши шаҳрида сифатли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "ДИЛНОЗА" МЧЖдир. Айни пайтда гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "KIM PEN XVA" фермер хўжалигининг лойиҳаси ҳам тадбиркор аёлларнинг энг яхши бизнес-лойиҳаларидан бири деб топилди.

"Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши бизнес-лойиҳа" номинациясида Қарши шаҳридаги "NASAF MED SERVIS" МЧЖ тиббиёт маркази ҳамда уларнинг фаолияти атроф-муҳитга ва фуқароларнинг саломатлигига таъсир кўрсатадиган компаниялар учун лойиҳавий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи "EKO PROM KONSALTING" МЧЖ ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Айни пайтда яна иккита корхона "Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш бўйича энг яхши бизнес-лойиҳа" номинациясида ғолиб деб топилди. Булар – Тошкент шаҳрида мебель маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи "OQIBAT MEBEL" МЧЖ ва трикотаж маҳсулотлари харидоргир ҳисобланган "ARS TRIOMAX" МЧЖ дир. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тақдим қилинган бизнес-лойиҳалар орасида Қарши шаҳридаги "BURXON ZAMONDOSHLARI" кондитер фабрикаси ғолиб бўлди ҳамда "MIRZOXID-BILOL BARAKA" МЧЖ ғолиб деб топилди. Коллеж битирувчилари учун иш ўринларини ташкил этиш борасида "MIRZOXIDOV MIRVOXID MIRG`ANI O`G`LI" ИК лойиҳаси энг яхши бизнес-лойиҳа деб топилди.

Маълумки, 2016 йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган. Шу сабабли "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ хотин-қизлар, хусусан, оналар учун қулай шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз хотин-қизларининг уй-рўзғор ишларини енгиллаштириш мақсадида банк маиший буюмларини харид қилиш, шунингдек, юртимиз тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар ҳақини тўлаш учун имтиёзли кредитларни таклиф қилмоқда. Бундан ташқари, "Соғлом она ва бола йили" давлат дастури доирасида "ASIA ALLIANCE BANK" хотин-қизларга оилавий эҳтиёжлар учун пул маблағларини тўплаш имконини берувчи муддатли ва жамғарма депозитлар линейкасини тақдим этмоқда. Булар "Баркамол авлод", "Бахтли авлод" муддатли омонатлари, "Альянс Ёшлик" ва "Болажон" жамғарма омонатларидир.

Таъкидлаш керакки, "BankExpo – 2016" кўргазмаси доирасида соғлом турмуш тарзини, хотин-қизлар ва ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида ғамхўрликни тарғиб қилиш асносида "ASIA ALLIANCE BANK" "Соғлом она ва бола йили"га бағишланган мукофотлари ўйинини ташкил этди. "Озодалик – саломатлик гарови" деган халқ нақлига амал қилган ҳолда кўргазма иштирокчиларига гигиена воситаларидан ташкил топган совғалар, эсдалик буюмлари ва банк фаолияти ҳақидаги ахборот материаллари тарқатилди.

Ўзбекистонда оилавий спорт ва хотин-қизлар спорти тобора оммалашиб бораётганлигини ҳисобга олиб, "ASIA ALLIANCE BANK" супер-мукофотлар сифатида "Жар" спорт комплексида спорт хизматларидан, "VITAMED MEDICAL" клиникасида тиббий хизматлардан фойдаланиш бўйича сертификатларни тақдим этди. Банк томонидан амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Анъанавий Банк хизматлари, технологиялари ва ускуналари — "BankExpo — 2016" миллий кўргазмаси якунларига кўра, "ASIA ALLIANCE BANK" "Ҳудудларда ўз фаолиятини ривожлантириш бўйича энг яхши банк" ва "Энг яхши реклама компанияси" номинацияларида ғолиб деб топилди.

"ASIA ALLIANCE BANK" АТБ "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини бажариш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Равшан ЮНУСОВ
Хизматлар лицензияланган

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ва Ўзбекистон давлат консерваторияси педагоглари учун хорижлик мутахассислар иштирокида тренинг ташкил этилди.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори маданият ва санъат ривожи, ушбу соҳа кадрлари малакасини ошириш, улар ўз мутахассислиги билан бирга хорижий тилларни ўрганиши учун кенг имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони профессор-ўқитувчиларнинг касб малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Тренингда Париж олий миллий мусиқа ва рақс консерваторияси профессорлари тингловчиларга мутахассислик кўникмалари, саҳна нутқи ва маданияти, чет тиллар, ахборот технологиялари, санъат асарларини тақдим этиш усуллари, педагогик маҳорат каби йўналишлар бўйича сабоқ берди.

Машғулотлар доирасида мулоқот қилиш кўникмаси, мамлакатимиз ва дунёда санъат ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилди. Тренинглар интерфаол услубларда ташкил этилгани боис иштирокчилар учун курслар қизиқарли ва самарали бўлди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

“Ҳеч шубҳасиз, қиз бола соғлом, билимли, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлса, у қурадиган оила ҳам, бу оиланинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади”.

Ислом КАРИМОВ

Мустақил давлатимизнинг 25 йиллик тараққиёт йўлига, бу давр мобайнида фуқароларимиз ҳаётида юз берган ўзгаришларга назар ташлар эканмиз, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилгани, аҳамиятлиси, бу жараён ҳозирда ҳам изчил давом этаётганининг гувоҳи бўламиз. Бугун фахр билан айтишимиз мумкинки, биз миллий давлатчилигимизни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлимиз — ўз моделимизни танладик. Айниқса, таълим тизими, соғлиқни сақлаш, ёшларни, айниқса қизларни спортга жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг юксак самараси йўлимизнинг нечоғлик тўғри эканини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда жамиятнинг асосий таянчи бўлмиш ёшларни, жумладан қизларни ҳар томонлама соғлом қилиб вояга етказиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида ҳар қанча фикр билдирсак ярашади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ёшларнинг таълим-тарбия олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари ва ўз севимли машғулотлари билан шуғулланишлари учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Жорий йилнинг юртимизда “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши, бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, перинатал ва скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингек, ёшларни жисмонан соғлом ва интеллектуал етук шахс этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ёшлик — инсон ҳаётидаги энг гўзал, бетакрор, қувонч ва шодликка ҳамда таассуротларга бой давр. Унда келажакка ишонч, юксак марралар сари интилиш, жасорат мужассам. Ёшлик беғубор орзу-умидлар фасли. Шу боис ҳам ёшларни катта мақсадлар, улкан марралар сари етаклаш зарур. Мана шу хайрли мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари тахририяти ҳамкорлигида “12 йиллик мажбурий таълим — биз қизлар учун ўта зарур ва муҳим” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

“Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари ходимлари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Репродуктив саломатлик маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти, “Аёллар маслаҳат маркази” вакиллари, руҳшунос, олима аёллар ва “Ораста қизлар” тўгараклари аъзолари иштирок этган ушбу давра суҳбатида кўтарилган мавзу ва фикр-мулоҳазаларни қоғозга туширдик.

Фарида АБДУРАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида ёшларга мурожаат қилиб, катта ишонч билдирадилар ва ҳамиша барчангизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман, деб таъкидлаб келадилар. Зеро, ҳар бир ёш замонавий билимларни эгалласа, ўз касбининг етук устаси бўлса не-не орзу-умидлар билан фарзанд ўстираётган ота-онаси, қолаверса, халқининг юзини ёруғ қилади.

Биз ҳам мана шу хайрли мақсаддан келиб чиққан ҳолда шаҳримиздаги 300 га яқин мактаб, 120 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда 505 та маҳаллаларда “Ораста қизлар” тўгараги, мактабгача таълим муассасаларида “Зумрадойлар” даврасини ташкил қилганмиз. Бугунги давра суҳбатида ҳам бежиз “Ўн икки йиллик узлуксиз таълим — биз қизлар учун муҳим” деган мавзуни ўртага ташламадик. Чунки бугун соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида фаолият юритаётганларнинг 70-80 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Агар биз қизларимизни мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб мактаб, лицей, коллежларда жамиятда, оилада фаоллик кўрсатиш борасида тарбиялаб борсак, жамиятнинг иккита устуни бўлган иккита тармоқда ҳам яхши мутахассисларни тайёрлаб борган бўламиз. Бугун юртимиз бўйича академикларимиздан олтитасини ёки фан докторларининг 550 га яқинини, фан номзодларининг 4780 нафарини аёллар ташкил қилади. Мен ўйлайманки, айни дамда мана шу даврада ўтирган қизларимиз орасидан ҳам академиклар, фан докторлари етишиб чиқар. Улар сафининг янада кўпайишига юртимизда барча шарт-шароитлар бор. Яна бир гап. Президентимиз яқинда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида фарзандларимиз, ёш авлодимизни болалигидан бошлаб спорт билан оғно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, айниқса бу борада қиз болаларнинг жисмонан соғ, маънан етук бўлишлари учун оммавий спортга жалб этиш борасидаги амалий ишларни изчил давом эттириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Бугун сузиш ҳавзаларига қизларимизни ҳафтада бир кун бепул жалб қилиш бўйича иш олиб борилмоқда. Сузишга қатнашаман, соғлиғимни тиклайман деган қизлар маҳаллаларидаги маслаҳатчи опаларга ёки ўзлари ўқиётган таълим муассасасига чиқиб учрашишлари керак. Шаҳримиздаги 68 та сув ҳавзаларига улар бириктириб қўйилади ва сузиш билан бемалол шуғуллана оладилар. Албатта, бунда сузиш кийимларига ҳам эътибор қаратилган. Қизлар учун миллий менталитетимизга хос ва замонавий дизайнга мос спорт кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўйлаймизки, бу ҳам Соғлом она ва бола йилида давлатимиз раҳбарининг биз аёлларга кўрсатган яна бир ғамхўрликларидир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш ўринлики, Соғлом она ва бола йилининг биринчи чораги давомида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Ораста қизлар” тўгаракларида 2016 йил — “Соғлом она ва бола йили”да ўтказиладиган ҳафталик машғулотлар учун мавзуларнинг ягона режаси Тошкент шаҳридаги 505 та маҳалла, 280 та мактаб, 120 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган “Ораста қизлар” тўгаракларига етказилди. Ўтган ойлар давомида “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”, “12 йиллик мажбурий таълим — биз қизлар учун ўта зарур ва муҳим”, “Ўқувчи-қизлар ўртасида мобил телефонлардан фойдаланиш маданияти”, “Зарарли одатларсиз ҳаёт ва гиёҳванд моддаларсиз соғлом турмуш” каби долзарб мавзуларда машғулотлар ҳафталиги ўтказилди.

Мазкур ҳафталиклар доирасида машғулотларга мавзуга оид мутахассислар, шифокорлар, психологлар, маҳалла раислари ҳамда ота-оналарнинг ҳам жалб этилганлиги бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада оширди.

Шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 8 та тиббиёт коллежларининг “Ораста қизлар” тўгараги аъзоларига “Эрта турмуш ва туғруқнинг олдини олиш ва унинг салбий асоратлари” мавзусида намунавий тақдимот тайёрлаш ва ушбу тақдимотни тумандаги ҳар бир таълим муассасаси, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларидаги қизларга тенгдош-тенгдошга тамойили асосида кўрсатиш вазифаси юклатилди. Таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва бошланғич хотин-қизлар қўмиталари раислари масъул бўлган ушбу учрашувлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини берди. Бундан ташқари, баҳор байрамлари арафасида барча туман ҳокимликлари, маҳалла, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда фахрия онахон, нуроний мураббийлар, фаол аёллар, шунингдек, энг фаол “Ораста қизлар” тўгараги аъзолари иштирокида маданий-маърифий дастурлар ташкил этилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ўтказилаётган учрашув, тадбир ва танловлардан кўзланган асосий мақсад ўқувчи-қизларнинг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, оиласи, маҳалласи ва атроф-муҳитнинг тозаозодалигига эътиборини кучайтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, ёш авлодда ота-она, қолаверса кекса авлод вакилларини ҳурмат қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, қизларимизда ҳаё, ибо каби туйғуларни шакллантиришга қаратилган.

“Тошкент оқшоми”да давра суҳбати





ЎН ИККИ ЙИЛЛИК УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ — ЁШЛАРИМИЗ ҲАЁТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ





Мукаррама МУҲИДДИНОВА,
олима:

— Мен бир нарсани таъкидлашни хоҳлардим, оналар, бувилар иштирокида қизларимиз тарбиясига эътибор қаратилаётгани, улар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилаётгани жуда аҳамиятга молик иш.дир. Халқимиз фарзандининг ўзидан кўра бахтли яшашини хоҳлайди. Бугунги ёшларимиз жуда бахтли, чунки давлатимиз раҳбарининг ўзи ҳамма ёшлар менинг фарзандим, қизларимиз билим олсин, жамиятда ўз ўрнини эгалласин, деб айтадилар. Бугунги шароитни, тинчлик-хотиржамлик, тўкин-сочинликни кўриб, қани эди 50 йил кейин туғилганимизда деб кўнглимиздан ўтказамиз. Шунинг учун ўсиб келаётган авлодга, набираларимга доимо бир нарсани айтаман, бугунги шароитдан, бугунги имкониятлардан унумли фойдаланиш керак, вақтини керакли, фойдали ишларга сарфлаш лозим.

Нигора ХОЛИҚОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактабнинг Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— Қизлар тарбияси жуда нозик масала. Уларни албатта ҳар тарафлама баркамол бўлиб вояга етказишга интиламиз.

12 йиллик мажбурий таълим ўқувчи қизлар учун ўта муҳим. Бу фикрни “Ораста қизлар” тўгараги аъзолари билан бирга мактабимиз қизлари онгига сингдириб бориш учун бир қанча тадбирларни ўтказиб келмоқдамиз. Жумладан, “Ўзбекка ўхшагин ўзбекнинг қизи”, “Зулфияхоним издошлари”, “Қизлик уйга ёғилар раҳмат”, “Миллий қадриятларимиз”, “Спорт — саломатлик гарови” каби бирибиридан қизиқарли, шу билан бирга ёшларга ҳар томонлама фойдали бўлган тадбирлар ишонаманки, қизлар тарбиясида ўзининг ижобий таъсирини кўрсата олади.

Моҳинур СУЛТОНОВА,
Бектемир туманидаги 290-мактаб ўқувчиси:

— Ўн икки йиллик мажбурий таълим мамлакатимизда бошқа баъзи давлатлардан фарқли равишда узлуксиз тарзда олиб борилади.

Биз қизлар учун ҳам ўн икки йиллик узлуксиз таълим жуда муҳим, чунки биз келажакда она бўламиз. Ақлли, ўқимишли она тарбияси асосида вояга етган фарзанд, албатта, камолга эришади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасамизда 9-синф қизлари ўртасида “Касбим — фахрим ёхуд ақлли авлод” танлови ўтказилди Бу тадбирда ўқувчилар ўзлари танлаётган касблари, мажбурий таълимнинг аҳамиятини тушуниб олдилар. Тадбирга маҳалладаги турли касб вакили ёшлар онгини турли хил бўҳтонлар билан заҳарламоқдалар. Бундан ташқари экстремизм, терроризм, “Оммавий маданият” тушунчалари инсонларнинг маънавиятини бузади, салоҳиятини парчалайди. Бундай ёвуз йўллардан ўз тенгдошларимизни қайтариш биз ёшларнинг бурчимиздир.

Биз ривожланаётган эркин ва мустақил Ватанда яшаётган эканмиз, шу шароитлардан оқилона фойдаланишимиз, ўз салоҳиятимизни, билим даражамиз ва саводимизни оширишимиз лозим. Ва турли бўҳтонларга учиб ёлғонларга қарам бўлиб қолаётган дўстларимизни, тенгдош билан тенгдош ибораси орқали тарбиялашимиз лозим.

Гўзал ХУСАНОВА,
Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи ўқувчиси:

— Бугунги кунда биз, ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом, руҳан бақувват қилиб вояга етказиш ва малакали кадрларни жамиятга тақдим этишда барча ташқи омилларнинг аҳамияти катта.

Нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёда ягона деб тан олинган коллежимиз хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Ораста қизлар” тўгарагига алоҳида эътибор берилади. Бу тўгаракда биз ораста қизлар мунтазам равишда дарс қолдирувчи ўқувчилар билан алоҳида тушунтириш ишларини олиб бориб, уларнинг дарсга қизиқиши ва доимий равишда дарсга келишларига туртки бўлдик.

Бу борада ҳар жума куни “Ораста қизлар” тўгарагида барча қизларга одоб, таълим-тарбия мавзуларида суҳбатлар ўтказилади.

Бу суҳбатлардан эришилган натижалар шу бўлдики, тарбияси оғир бўлган ўқувчи қизлар шу бугунга келиб, орста қизлар сафини янада кенгайтирдилар.

Эъзоза ОБИДОВА,
Сергели туманидаги 322-мактаб ўқувчиси:

— Она маънавиятли бўлса, оила баркамол бўлади. Яъни, оила соғлом бўлиши учун, биринчи навбатда она ҳам жисмонан, ҳам ақлан соғлом ва маънавияти етук бўлиши лозим. Биз қизлар бўлғуси она, фарзандларимиз тарбиячиси эканмиз, бунга тайёр бўлишимиз, ҳозирдан ўрганишимиз, ўқишимиз ва уқишимиз керакдир.

Бунинг учун эса изланиш, астойдил ҳаракат қилиб, элу юртга наф келтиришимиз лозим. Биз ёшларни қўллаб-қувватлайдиган, орзу-умидларимизга қанот бўладиган меҳрибон Юртбошимиз, она юртимиз, ота-онамиз бор экан уларга муносиб фарзанд бўлишимиз керак.

Азиза МАҲМУДОВА,
Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи ўқувчиси:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларга, барча ўғил-қизларга кенг имконият, шарт-шароитлар яратилган. Истиқлол биз ёшларга берган имкониятлардан бири ҳам айнан 12 йиллик мажбурий таълимдир. Бугунги кунда баъзи қизларимизнинг бундай шароитларга бепарво қараётгани афсусланарли, албатта. Бу борада “Ораста қизлар” тўгарагининг, унинг сардорларининг ўз вазифалари бор. Яъни, улар қизларимизга бугунги кунда 12 йиллик мажбурий таълимнинг шахс бўлиб камолга етиш, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши, ўзлигини англаб олиши учун ҳам кераклигини тушунтиришлари керак. Шаҳримиздаги 68 та сув ҳавзаларига улар бириктириб қўйилади ва сузиш билан бемалол шуғуллана оладилар. Албатта, бунда сузиш кийимларига ҳам эътибор қаратилган. Қизлар учун миллий менталитетимизга хос ва замонавий дизайнга мос спорт кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўйлаймизки, бу ҳам Соғлом она ва бола йилида давлатимиз раҳбарининг биз аёлларга кўрсатган яна бир ғамхўрликларидир.

Азизбек НИЗОМОВ,
Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори ўринбосари:

— Психологларнинг фикрича, фарзанднинг соғлом дунёга келиши, оиланинг бахтиёр ва мустаҳкам бўлишида мустақил ҳаётга жисмонан ва руҳан тайёр, маънавий етук йигит-қизларнинг ўзаро келишуви асосида тузилган никоҳ муҳим аҳамиятга эга экан. Бироқ, айрим ота-оналар қизлари ҳали коллеж ёки лицейни тугатмай, бир касбга эга бўлмасларидан туриб турмушга бериш ҳаракатига тушадилар. Оқибатда оила қуришга жисмонан ва маънан тайёр бўлмаган қизлар ҳаётда кўп қийинчиликларга учраб қолмоқдалар. Тажрибадан маълумки, вояга етмаган қизларда ҳомиладорлик ва туғруқ оғир кечадиган ҳолдир. Улар ўртасида турли патологик ва экстрагенитал хасталиклар ҳам кўп учрайди. Бу аёлнинг соғлиғига ҳам таъсир қилади, албатта. Турмушдаги нохуш ҳолатлар, ҳаёт қийинчиликлари, оилага мослаша олмаслик оқибатида оилалар бузилиб кетиши, ажримлар эса фарзандларни ота ёки она меҳридан жудо қилиши ҳаммамизга маълум. Оила — жамият таянчи. Шундай экан, барчамиз эртамиз давомчилари бўлган ёшларга, айниқса қизларимизга тўғри йўлни кўрсатишимиз, ёшликдан билимли, одобли, касб-ҳунарли бўлиб вояга етишларига ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор.

Муаззам РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Шайхонтоҳур тумани “Аёллар маслаҳат маркази” психологи:

— Бундай тадбирларнинг психологик жиҳатдан аҳамияти катта. Ўсмир-ўспиринлар орасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар асосан давра суҳбати, интерактив савол-жавоб кўринишида ўтиши ҳосил қилинадиган тушунча ва тасаввурларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Ёшлар онгида уларни қийнаётган саволларга жавоб олишларига имкон яратади.

ҚҲК ва лицей ўқувчиларининг ёш хусусиятлари ҳақида ўзларига тушунчалар бериш, “ўтиш ёшидаги”, “қалтис” ёш давридаги ёшларга руҳий мадад бўла оладиган тадбирларни кўргазмали қилиб ўтказиш керак. Тадбирларга айнан мураккаб оилалар, нотўлиқ оилалар, ривожланишдан оғишган ўспиринлар ҳам таклиф этилса янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шайхзода ШУКУРОВА,
Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси бош психологи:

— Ўзбекистонда оила ва ундаги ўзаро муносабатларга алоҳида қадрият сифатида қаралиши бу борада юртимизга хос бўлган хусусиятларни ифодалайди. Ўсмирлар тарбиясида уларга таъсир ўтказиши мумкин бўлган салбий омиллардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бундай омиллар жумласига гуруҳлар, диний экстремистик тўдалар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар ёки наркобизнес билан шуғулланувчи ғайри ижтимоий кучлар, оқимлар ва хулқ-атвор шакллари киради. Ўсмирларнинг бу каби ножўя хатти-ҳаракатларга қўшилиши кўп жиҳатдан уларнинг ёш хусусиятлари, тажрибасизликлари, турли вазиятларда тўғри қарорга кела олмасликлари билан боғлиқ. Оилада, кўча-кўйда, таълим муассасасида ўсмирларнинг нималар билан бандлиги ва машғуллиги дастлаб ака-сингиллар, опа-укалар, кейинчалик эса ота-онага маълум бўлади. Шу сабабли “Ораста қизлар” давраси аъзоларининг асосий вазифалари маҳалла ва таълим муассасалари қизларида жамиятдаги турли ҳолатларга, бугунги долзарб муаммоларга бўлган фаол муносабатни, мустақил фикрни, эркин муносабатни шакллантириш, маҳалла ва таълим муассасаларидаги қизлар орасида турли мавзуларда тарғибот ишларини олиб бориш, ўқув семинарлари, тренинглар, анжуман ва давра суҳбатларини, шунингдек, баҳс-мунозара кечаларини “тенгдош-тенгдошга” усулида ташкил этиш ва ўтказишдир.

Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
шаҳар Репродуктив саломатлик маркази раҳбари:

— Юртимизда қиз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Аждодларимиз оила қуришда етти ўлчаб, бир кесиш қабилида иш тутишган. Эрта никоҳнинг салбий хусусиятлари тўғрисида тўхталар эканмиз, аввало уларнинг ҳуқуқий оқибатларини таҳлил қилишни ўринли деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси”нинг 15-моддасида никоҳ ёши қизлар учун 17 ёш, ўғил болалар учун эса 18 ёш деб белгиланган. Албатта бу энг минимал никоҳ ёши ҳисобланади. Лекин бу қиз бола 17 ёшга етиши билан турмушга бериш керак дегани эмас.

Чунки, қиз боланинг никоҳга киришдан олдин унинг соғлом авлодни дунёга келтириш имкониятини ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун, қиз боланинг жисмоний ва жинсий ривожланишини баҳолаш, уларнинг оналикка руҳий тайёргарлигини ҳисобга олиш зарур...

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз тадбир давомида ёшларнинг ҳар томонлама зукко, кўп қиррали истеъдод эгаси, шу билан бирга юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиш, тенгдошларининг ижтимоий фаоллигини ошириб, турли ёт ғоялардан огоҳ этишга тайёр эканликларига гувоҳ бўлдик. Ишонамизки, ўғил-қизларни 12 йиллик узлуксиз таълим билан тўла қамраб олиш ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар келажакда албатта самарали натижалар бериши шубҳасиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: давра суҳбатидан лавҳалар

Ислом Исмоилов олган суратлар

Маълумки, ҳар йили ўсмир-ёшларнинг соҳа бўйича олган билим ва кўникмаларини синовдан ўтказиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти ҳамда Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб этиш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида "Саломатликнинг ёш дўстлари" мусобақаси ўтказилади.

Мусобақалар

ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Жумладан, авиасозлик касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Яшнобод туман ташкилоти томонидан ушбу мусобақанинг мактабларо туман босқичи ташкил этилди.

Туман ҳокимлиги, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, тиббий бирлашмаси, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтган тадбирда ўқувчиларнинг санитария ва гигиена асослари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, фавқулодда ҳолатларда ўзларини тута билишлари яна бир карра синовдан ўтказилди.

Мусобақа 7 босқичдан иборат бўлиб, ёшлар жароҳатланган, тўсатдан касал бўлганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш, доривор ўсимликлар, уларни қўллаш, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тарихи, йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўз билим-маҳоратларини намоён этдилар.

Мусобақада иштирок этаётган ҳар бир мактаб жамоаси соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича деворий газеталар танловида ҳам қатнашди.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг ҳаваскор гуруҳлари томонидан тайёрланган концерт дастури барча иштирокчиларни ғалаба сари руҳлантирди.

Ниҳоят тўпланган баллар ҳисоб-китоб қилинганда 166-мактаб санитар-постчилари мусобақанинг туман босқичида ғалаба қозонганлиги маълум бўлди. 244-мактаб ўқувчиларига эса иккинчи ўрин насиб этди.



Деворий газеталар танловида ҳам 244-мактаб жамоасига тенг келадиганлар топилмади.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди. 166-мактаб ўқувчилари танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
Алексей Попов олган сурат

Экология

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида Экологик билимлар куни муносабати билан тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари, экологлар, ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда табиатни асраш, унга салбий таъсирларни камайтириш, ўрмонзорларни кенгайтириш, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ барча таълим муассасаларида ёшларнинг экологик маданиятини оширишга қаратилган дарслар ўтилмоқда. Соҳага оид дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни ва соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Экологик муаммоларни бартараф этишда жамоатчилик, айниқса, ёшлар фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Коллеж ўқувчилари экология мавзусида саҳна кўринишлари, слайдлар намойиш этди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Танловлар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДИ

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, конституция ва қонунларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада ёшларимиз иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда Чилонзор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари иштирокида "Ҳуқуқ билимдонлари" танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Унда ўқувчилар ўзларининг ҳуқуқий, конституциявий билимларини синовдан ўтказдилар. Саволларга тезкорлик билан жавоб бериш ва саҳна кўринишлари орқали ўз маҳоратларини намоён этишди.

Якуний натижаларга кўра 178-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, иккинчи ўринга 200-умумтаълим мактаби жамоаси сазовор бўлди. Учинчи ўрин эса 103, 168 ва 184-умумтаълим мактаблари жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Олимжон ЎРАЛОВ,
Чилонзор тумани
ХТМФМТТЭ бўлими методисти

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— ушбу "Давлат активлари" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;

— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;

— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 30 май куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда 2016 йилнинг 13, 27 июнь, 11, 25 июль, 8, 22 август, 5, 19 сентябрь, 3, 17, 31 октябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Қурилиши тугалланмаган бино	2 194,0	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси	Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги	25.07.2013 № 209	1 404 154 739,00	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	3 қаватли бино-иншоот	2 207,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013 № 209	1 947 155 863,00		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Давлат активининг сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	17,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 331 546 580,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шарти билан.	
2	Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Хўжаев) кўчаси, 25-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	5 552 474 622,00	1 850 800 000,00	1 йил
3	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Хўжаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 030 384 373,00	1 010 100 000,00	1 йил

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Нотурар жой биноси	463,0	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6"Б"-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	377 898 285,00	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	"4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси" МЧЖ	98,64 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Толипов кўчаси, 3-уй	"4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси" масъулияти чекланган жамияти	25.04.2012 №1743	517 726 900,00		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
2	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
3	Ёрдамчи бино	121,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
4	Ёрдамчи бино	40,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
5	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмазор тумани, М.Саъдиев кўчаси, 88-уй	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	12.08.2011 №233	1 486 370 095,00	–	–

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!

Хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида, 2016 йил 30 майда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акциялар пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати (сўм)	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (АҚШ доллари)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи (АҚШ доллари)
1	"Ипотекабанк" АЖ	15	11 325 855	3578	2,36	26 729 017,80
2	"АСАКА БАНК" АЖ	15	69 607 802	1112,08	0,84	58 470 554
3	"АГРО БАНК" АЖ	15	47 215 096	1168	0,88	41 549 284,48
4	"Қишлоқ қурилиш банк" АЖ	15	479 278 772	119,25	0,06	28 756 726,32
5	"Микрокредитбанк" АЖ	15	35 135 669	1068	0,54	18 973 261,26

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!

Хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида, 2016 йил 30 майда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акциялар пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати (сўм)	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (АҚШ доллари)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи (АҚШ доллари)
1	"Ўзбекенгилсаноат" АЖ	15	307 154	4261,75	3,52	1 078 608,1107
2	"Ўзбекэкспертиза" АЖ	15	239 481	1622	1,88	447863,9552
3	"Матбуот тарқатувчи" АЖ	15	150 000	4000	9,24	1 384 974
4	"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЖ	15	6 253 363	2535	1,31	8 131 560,57705

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Юқорида келтирилган давлат акция пакетларининг "Биржа" газетасининг 2016 йил 17 мартда 32(2051)-сони, 19 мартдаги 33(2052)-сони, 7 апрелдаги 40 (2059)-сонларида ва "Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 16 мартдаги 53 (13.116)-сони, 23 мартдаги 60-61-сони, 6 апрелдаги 72 (13.135)-сонларида чоп этилган реклама эълонлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Миробод туман ҳокимияти ТСРЎИси томонидан 2014 йил 16 майда №007020-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 26 февралдаги 165-сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 6-уй, 206-хона.

Сергели тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 21 сентябрдаги 003180-06 реестр рақами билан рўйхатга олинган ва Сергели тумани, М.Ҳайдар кўчаси, Олтин водий, 2-берк кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган "Toshkent oziq-ovqat tayyorlov savdo" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 302103906) иштирокчиларнинг 2016 йил 25 апрелдаги №1 сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда (91) 163-60-01 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***29 апрель*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***29 апрелда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ